

# ШАРТНОМА № 01

(Озик овқат махсулоти сотиб олиш хақида)

«06» 01 2022 йил

Олтиарик тумани

Олтиарик тумани ЕТБ раҳбари Х. Анандиёва  
бундан буён бир томондан «Харидор» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан «Зиё Муҳаммадназар» х/к номидан узини низоми асосида фаолият курсатувчи раҳбари Ж. Тухлиев бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва қуйидагилар хақида ушбу шартнома тузилди.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узи томонидан ишлаб чиқарилган махсулотларни сотиш «Харидор» эса қабул қилиб олинган махсулотлар учун туловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

## II. ШАРТНОМА НАРХ

2.1 Махсулотларни қуйидаги нархларда етказиб беради.

Т/р	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Нон 1-нав шаҳанчи	кг	2757	2800	7719600
2					
3					
4					
5					
6					7719600

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси Етти миллиард етти юз ўн тўрт миля саккиз юз сўм  
(ракамлар, ёзувлар билан)

## III. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, махсулот (курсатилган хизмат)нинг 30 фоизи микдориди пул маблағини утказиш йули билан туловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортда етказиб берилганда транспорт харажати узаро келишилган ҳолда қушимча белгиланади.

## IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний қучга киргандан сунг товарни 15 муддат ичида «Харидор» га етказиб бериши шарт.  
(товар етказиб бериш муддати)

## V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товар ёки махсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор» нинг талабларига мос келиши шарт.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган ҳолда уз вақтида «Харидор» га товарни етказиб бериш;
- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қуйиш ҳуқуқига эга;

-Тегишли даражада сифатли махсулот юборилмаганлиги тугрисида билдиришнома олгандан сунг, сифатли булмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

-«Сотувчи» етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тулик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа курсаткичларини курсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда ракамлаб, тулик реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Харидор» нинг мажбуриятлари:

-«Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб уз вақтида махсулотни қабул олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқлангандан сунг, ушбу тугрисида тегишли далолатнома тузилиб бу хақида 3 кун ичида Сотувчи ни огоҳлантириш,
- Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган ҳисоб-варақлар буйича туловлар амалга оширилишга йул қуйилмайди.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги еки тегишлича бажару учун томонлар Узбекистон Республикаси Конунчилигида шунингдек ушбу шартномада тугилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. Сотувчи томонидан Харидор га товар ва махсулотларни белгиланган муддатларда еткази, бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун етказиб берилмаган махсулот кийматининг 0,5 микдорида Харидорга га пенсия тулайди, лекин пеня микдори кечиктирилган махсулот кийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. «Харидор» томонидан олинган товар ёки махсулот учун туловлар уз вактида амалга оширилмаган такдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4% микдорида «Сотувчи» га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортик булмаслиги лозим.

7.4. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар ёки махсулотлар нархи юкори деб топилган такдирда уртадаги фарк етказиб берувчи томонидан копланеди.

### VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боглик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган такдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги холатларга: сув тошкени, ёнгин, ер кимирлаши ва бошка табиий офатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат оргинларининг актлари еки харакатлари ва тарафлар назорат кила олмайдиган бошка хар кандай холатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф килиб булмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бириниезма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор килиш еки кушимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

### IX. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР КИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор килишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади. Узаро келишилмаган такдирда мавжуд низо хужалик суд оркали Узбекистон Республикасининг амалдаги асосида хал килинади.

9.2. Шартнома тарафларининг узаро келишувига асосан еки Узбекистон республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома икки томонлама имзоланиб, худудий газначилик булинмаси (булими) да белгиланган тартибда руйхатга олингандан сунг кучга киради ва 2022 йил «31» декабр гача амал килади.

### X. КУШИМЧА ШАРТЛАР

### XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

#### «Сотувчи»

«Зиё Мухаммадназар» х/к

Манзил: Олтиарик тумани.

Тел./факс \_\_\_\_\_

Х/В 20208000605058055001

Банк номи Халк банки Олтиарик

МФО 00796 СТИР 306315339

#### «Харидор»

Олтиарик тумани МФБ

Манзил:

Тел. факс 43-132-13-95

х/р 4007 228603020370991 00251004

ОКНОХ 92400

Банк номи

МФО: 00014

инн 305154667

Рахбар: \_\_\_\_\_

(ФИШ)

(Имзо)



Хукукшунос: \_\_\_\_\_

(имзо)



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**№ XI82257006**

1.Loyihaning turi: Shartnoma

2.Loyihaning nomi:

“Ziyo Muxammadnazar” x/k bilan Oltiariq tumani maktabgacha ta'lim bo'limi o'rtasida maxsulot yetkazib berish to'g'risidagi 2022 yil 06 yanvar kungi 01-sonli shartnoma.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi Oltiariq tumani maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022 yil 13 yanvar kuni kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tasdiqlab, ijroga qaratish mumkin.

**Markaz bosh yuriskonsulti**



**A.Shokirov**

**2022 yil 17 yanvar**